

“ГҶРҶҒЛИ” ДОСТОНЛАР ТУРКУМИДАГИ АРХЕТИП ОБРАЗЛАР

Тилланисо НурҒди қизи ЭШБОЕВА

таянч докторант

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Тошкент, Ўзбекистон

tillaniso@mail.ru

Аннотация

Мақолада “ГҶрҶғлининг туғилиши” ва “ГҶрҶғлининг болалиги” достонларидаги образлар таҳлилга тортилиб, уларнинг архетип образ сифатидаги талқинлари ва моҳияти хусусида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: архетип образ, архетип мотив, алп архетипи, антиқаҳрамон архетипи, кўмакчи образлар архетипи, донишманд чол, кампир ва ёр архетипи, хаос ва космос архетип мотиви.

АРХЕТИПНЫЕ ОБРАЗЫ В ЦИКЛЕ ДАСТАНОВ «ГУРУГЛЫ»

Тилланисо НурҒди қизи ЭШБОЕВА

базовый докторант

Институт узбекского языка, литературы

и фольклора АНРУз

Ташкент, Узбекистан

tillaniso@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются образы в дастанах «Рождение Гуруглы» и «Детство Гуруглы», приводится их интерпретация в качестве образов архетипов и сущности.

Ключевые слова: образы архетипы, архетипный мотив, архетип богатыря, архетип антигероя, архетипы вспомогательных образов, архетипы мудрого старика, старухи и возлюбленной, архетипный мотив хаоса и космоса.

“Архетип” сўзи юн. архе – ибтидо ва тайпес – образ маъноларини англатади. Бу тушунча дастлаб Афлотун, сўнг Августин томонидан илоҳиётга доир атама сифатида қўлланилган [2;1]. К.Г.Юнгнинг фикрича, архетип – бу янги атама эмас, чунки у ҳатто Августиндан олдин ишлатилган ва классик “ғоялар” тушунчаси билан синонимга эга эди. Сорпус Ҳерметисум учинчи асрда “архетипик нур” деб Худони тасвирлаган” [5;67]. Демак, айтиш мумкинки, архетип инсониятнинг дунё ҳақидаги, тириклик ҳақидаги дастлабки тасаввурлари, дастлабки ибтидодий образларидир. Бу тасаввурлар инсониятнинг онгости сезимлари натижасидир.

Архетип луғавий маъносига кўра “илк образ, илк модель” тушунчасини ифодалайди. Архетипни инсон руҳиятида яшаб келаётган энг қадимги даврлардан бери дунёни қабул қилиш билан боғлиқ умумий тасаввурларининг ягона модели, деб таърифлаш мумкин. Архетип авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган онгимиздаги дунёни қабул қилиш шакллари дир. Архетиплар асосан инсонларнинг тушлари, инсониятнинг илк тасаввур маҳсули бўлмиш мифлар, фольклор намуналари ва бадиий асарларда учрайди. Ўзбек фольклорида ва адабиётида турли архетип образ, архетип мотив, архетип сюжет ва архетипик тасвир воситалари учрайди.

Ўзбек фольклоридаги архетипларни қуйидагича тасниф этдик:

I. *Архетип образлар:* архетип образларнинг энг кенг тарқалган типи – эпик қаҳрамон типидир. Унинг ўзи қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади.

Эпик қаҳрамон типи

<i>1. Асосий қаҳрамон</i>	<i>Алп</i>	<i>Антиқаҳрамон</i>
<i>2. Кўмакчи қаҳрамон</i>	<i>Эпик от, Дўст/рақиб</i>	<i>Ёр</i>
<i>3. Воситачи қаҳрамонлар</i>	<i>Ҳомий эранлар</i>	–

II. *Архетип мотивлар.*

III. *Архетип сюжет.*

IV. *Архетип тасвирий воситалари.* Мазкур тасниф ўзига эпик формулаларни қамраб олади. Эпик формулаларни эса қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) доимий эпитет, рамз, тимсол, кўчимлар;

б) анъанавий турғун шеърӣ қолиплар;

в) анъанавий эпик тасвирлар;

Мана шу таърифни асослаш ва у воситасида таҳлил қилиш учун “Тўрўғли” дostonлари туркумига кирувчи “Тўрўғлининг туғилиши” ва “Тўрўғлининг болалиги” дostonларини таҳлилга тортдик. “Тўрўғли” дostonидаги архетип образлар таҳлилига ўтишдан олдин фольклордаги образ

тушунчасини изоҳлашга эҳтиёж сезамиз. Образ – қиёфа. Бадий асарларда воқеаларни ҳаракатга келтирувчи тил ва характерлар образлар орқали намоён бўлади. Образлар адабиётшунослик илмида асарда тутган ўрни ва вазифасига қараб персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер, тип каби терминлар билан ифодаланади.

Фольклордаги архетип образларни эса асосий қаҳрамон, кўмакчи қаҳрамон ва воситачи қаҳрамонга бўлар эканмиз, фольклоршунос олим Шомирза Турдимовнинг “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари” китобидаги таснифга суяндик. Фольклордаги етакчи архетип образларнинг шаклланиши бевосита мифологик асосга бориб тақалади. Айни шу жараён “Гўрўғли” туркумига кирувчи дostonлардаги бош образ – Гўрўғли учун ҳам хос. Гўрўғлининг мифологик асоси календарь мифлари қаторига кирувчи қуёш туркуми мифларига бориб тақалиши ўрганилган. Фольклорда миф ва архетип айни бир тушунча деб таърифлаган қатор олимлар мавжуд [5;35]. Психоанализ мактаби архетипни инсоннинг ҳаётий циклига мос ўрганади. Асосий архетипларнинг бола, ота-она, соя, қаҳрамон ва ўзлик деб аталиши ҳам айни шу жараённи ифода этади. Яъни бир инсоннинг туғилиб онгсизлик ҳолатидан онгли, англаган ҳолга келишини – хаосдан космосизацияга ўтишини айни шу архетиплар мазмунан ўзида қамрайди, деган фараз илгари сурилади. Айнан бу ҳолат мифга ҳам хос, аммо у бир инсоннинг шахсий онгсизлик ва онглилик даражасини эмас, табиат, воқелик ижтимоий ҳаётдаги хаос устидан космос ғалабасини акс эттиради ва унинг асоси фольклордаги яралиш мифига бориб тақалади. Оламнинг яралиши халқлар мифларида қаҳрамоннинг ўз-ўзидан туғилиши, Ер ва Осмоннинг ажралиши, тўфон каби бир неча архетип мотивларида ифодаланади. Яралиш мифи ўз-ўзидан қаҳрамоннинг туғилишини тақозо этади. Чунки яралиш мифи динамикасининг асосини ташкил қилувчи мотив ҳам бу қаҳрамоннинг йўли – хаос устидан ғалабасидир. Психоанализ мактабидан фарқли фольклорда архетипларни фасллар циклига мос тасниф этиш таклиф

килинган. Гўрўғли архетип образи шаклланишини фасллар циклига мувофик мифологик мотивлар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Гўрўғли образининг ўзбек фольклоршунослигида қуёш туркуми мифларига бориб тақалиши ўрганилгани, қуёш туркуми мифларида эса қаҳрамон йўли фасллар циклига мос шаклланиб бориши айнан шу йўлдан боришимизга асосдир. Нортман Фрайга кўра фасллар циклида баҳор ҳаёт циклидаги туғилиш аналогиясига тўғри келади, ўз навбатида, мифологияда бу қаҳрамоннинг туғилиши ҳақидаги мотивни юзага келтирган [5;57]. Маълумки, Гўрўғли қабрда туғилади. Архетип символ сифатида қабр – зиндон, тоғ, дарё, кўл каби символлар икки дунё туташган жойни ифода этади. Демак, яралиш ва туғилишни икки оламнинг ўзаро туташуви тарзида талқин қилиш мумкин. Қуёш туркумига кирувчи миф сифатида Гўрўғлининг ер остида туғилиши қиш – зулматдан чиқиб баҳорнинг бошланиши рамзидир. Ўлиб тирилувчи табиат рамзи барча қуёш туркумига кирувчи мифларнинг асоси саналади.

Ўлиб тирилувчи табиат мотивининг яна бир аналогияси эса хаос устидан космос ёки аксинча бўладиган ҳолатдир. Ўлиб тирилувчи табиат мифларида қиш устидан баҳор ғалабаси ёки баҳор (ёз) устидан қиш ғалабаси асосий ўзак мотивдир. Бу ўзак мотив мифда қаҳрамоннинг антиқаҳрамон билан кураши сифатида баён қилинади. Шунинг учун деярли барча архетип қаҳрамонларнинг ўзига куч жиҳатидан тенг келадиган рақиб – антиқаҳрамон мавжуд. Уларнинг кураши ўлиб тирилувчи табиат билан боғлиқ мифларда ҳам асосий динамикани шакллантириб беради. Табиат фасллари, ҳаётий цикллار доимий алмашилиб боргани сингари мазкур турга кирувчи мифларда ҳам гоҳ қаҳрамоннинг, гоҳ антиқаҳрамоннинг қўли баланд келиши азалий қонун, илмий тилда айтганда эса архетипик жараёндир. Гўрўғли архетип образининг антиқаҳрамони эса дostonда Райҳон Араб сиймосида гавдалантирилган. Райҳон Араб дostonда қиш тимсолини ўзида мужассамлаштиради. Туғилиш баҳорни англантиши, шарқ халқларида эса баҳорий тенгкунлик Наврўз байрамига тўғри келиши, шундан келиб

чиқиб Гўрўғли образининг мавсум-маросим фольклорига бориб тақалиши Шомирза Турдимовнинг юқорида кўрсатилган китобида ўрганилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, “Гўрўғлининг болалиги” достонида ҳам қаҳрамон ва антиқаҳрамон кураши дoston асосини ташкил қилиб турувчи асосий архетип мотивдир. Ёз фасли билан мувофиқ Гўрўғли ҳаётидаги асосий цикл “Гўрўғлининг болалиги” достонида тўлиқ очилган. Ёз ҳаётий циклдан ёшлик, ўсиш аналогиясига, мифологик мазмунда эса қаҳрамоннинг триумфи, ғалабаси ҳақидаги мотивга уйғундир. Гўрўғлининг ўзга юртда туғилиб така-ёвмит элига қайтиши, Аҳмад Сардорга ўғил тутиниши, Райҳон Арабнинг Аҳмад Сардорнинг хотинини олиб қочиши ва ўч олиш мақсадида ёш Гўрўғлининг Райҳон Араб қизи Зайдинойни олиб қочиб, Аҳмад Сардорга хотинликка бериши – Гўрўғлининг илк триумфи, ёш Гўрўғлининг илк ғалабаси, ўлиб тирилувчи табиат ҳодисасига мувофиқ Куёшнинг энг қувватли даврига киргани тимсоли эди. Демак, ор олиш мотивини қиш устидан етилган куёшнинг – илк ва ишончли ғалабаси деб талқин этиш мумкин. Шунингдек, Гўрўғлининг Зайдинойни олиб қочишига қаҳрамонлик мифларидаги инициациал жараён тарзида қараш мумкин. Гўрўғли Зайдинойни олиб қочиши баробарида ўзининг илк синовидан ўтди ва энди унинг ҳаёти, фаолияти ижтимоийлик касб этишни ҳам бошлайди. Бу мазмун Зайдинойни олиб қочган Гўрўғли ўлган ҳукмдор Урайхон ўрнига така-ёвмит ҳукмдори қилиб кўтарилиши, шунингдек, Хизр бошлиқ илоҳий кўмакчилар пайдо бўлиши ва Гўрўғли унда бош бўлишини башорат қилганида ҳам кўринади.

Кўплаб халқларнинг мифологиясида инициациядан ўтган қаҳрамон ёрга эга бўлиши, ёр учун кураш ҳам инициациал жараённи ифода этиши ўрганилган [5;36]. Гўрўғлининг Зайдинойни Аҳмад Сардорга бериши, у учун курашни ҳам айна шу сатҳга қўйиш мумкин. Қолаверса, Гўрўғли эпик ҳомийлари маконидан парилар билан қайтиши унинг тақдирланганидан далолат эди. Гўрўғлидаги Зайдинойни олиб қочиб, Аҳмад Сардорга хотинликка беришини дунё фольклорида кенг тарқалган ёр учун кураш

мотиви сирасига киритиш ўринли деб ўйлаймиз. Мазкур кураш мотивида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳат шуки, ёш Гўрўғлининг қувватга кириши унинг антигонисти бўлган Райҳон Арабнинг заифлашувини англатади. Архетипик аналогияга кўра ёз (баҳор) қувватга тўлиб, қиш (куз)нинг заифлашганини, хаос устидан космос ғалабасини, тун устидан кун, ўлим устидан ҳаёт ғалабасини ифодалайди. Кўринадики, мангу қарама-қаршилиқ, ҳаётнинг доимий диалектикаси архетипик дунёқараш учун асосий таянч вазифасини ўтайди. Архетипик қарашдаги мазкур диалектика ҳаёт цикли учун ҳам, фасллар цикли учун ҳам, инсоннинг онгсиз ҳолатдан англаб бориш босқичи учун ҳам, мифологик ва бадий асарлардаги воқелик динамикаси учун ҳам бир хил хос. Мифологияда, қаҳрамон йўли ёритиладиган эртаклар, эпос ва кўпчилик бадий асарларда мана шу диалектикани кўрсатиш учун доим қаҳрамонга қарама-қарши куч – антигонистнинг борлиги муҳим ўрин тутаяди. Шу сабаб, архетип образларни типларга ажратишда биз алп типига параллел равишда антиқаҳрамон, ғайриқутбни ҳам айна бир устунга қўйдик.

Мифологик тасаввурга кўра мифлардаги қаҳрамонлар энг бошида ҳудолар ва руҳлар бўлган. Яралиш мифларининг барчаси, шунингдек, ўлиб тирилувчи табиат билан боғлиқ календарь мифларида ҳудолар ва ҳомий руҳлар энг бош образ бўлган. Айнан худо ва ҳомий руҳлар образи кейинчалик ижтимоий ҳаётдаги қаҳрамон архетипига эврилган. Бундан келиб чиқиб Гўрўғлини илк асосда Қуёш Худоси, унинг антигонисти бўлган Райҳон Арабни эса Қиш (Зулмат) Худоси бўлган деб тахмин қилишга асос бор. “Гўрўғли” исмининг қуёшга, оловга бориб боғланиши фольклоршуносликда асосланган.

Миф – бу маросимнинг вербал коммуникациядаги формаси эканидан келиб чиқсак, “Гўрўғли” эпосидаги воқеалар Қуёш Худоси учун қилинадиган мавсумий маросимларнинг бадий англаниши, деган хулосага келиш мумкин. “Гўрўғли” эпосининг мавсум-маросимни ифодалаган мифдан эпосга эврилишида айнан антиқаҳрамон билан кураши унинг ўзак асоси саналади.

Бу кураш шунчаки кураш эмас, катта ижтимоий воқеликни акс эттирган, ўз навбатида, улкан ижтимоий-сиёсий курашдир. Эпосда алп қаҳрамонлар авлодни, қабилани, оилани ҳимоя қилиш учун курашга киришади. “Гўрўғлининг болалиги” достонида Гўрўғли ўзи ва оиласи шаъни учун курашга киришса, эпоснинг бошқа достонларида Райҳон Араб энди бутун бир юртига хавф солгани учун курашга отланади. Алп типига хос бўлган – алпнинг асосий миссияси бўлмиш ижтимоий-сиёсий жиҳатдан хаосдаги элини космисизация жараёнига олиб келиш учун кураш “Алпомиш” эпосида “Гўрўғли” эпосига қараганда яққол кўзга ташланади. Шунга мувофиқ, “Алпомиш” достонида антиқаҳрамон, рақиб каби қарши турувчи кучлар линияси бўртиб кўриниб турибди. “Алпомиш” достонида Алпомишдай Алпга тенг кучли антогонист – Сурхайил кампир образида жамланган.

Эпосда асосий архетип образлар билан биргаликда кўмакчи архетип образлар ҳам сюжет мотивларини шакллантиришда фаол иштирок этади. Улар қаҳрамонни курашга ундайди ёхуд курашнинг асосий сабабчиси бўлади ёки кураш тақдирини ҳал қилувчи кўмак кўрсатишади. Эпосдаги кўмакчи архетип образлар – ёр, от, ҳомий эранлар қиёфасида кўринади. Эпосдаги асосий мотивлардан бирини – кураш архетип мотиви деб оладиган бўлсак, қаҳрамоннинг кураш йўлини айна образларсиз тасаввур қилиш қийин. Е.М.Мелетинский ўзининг архетипларга оид ишида эртак ва эпослардаги ёр ва кўмакчи қаҳрамонларни илк мифологик асосда тотем билан боғлиқ тасаввурга бориб уланади, деган фикрни олға суради [3]. Фольклоршунос олим Шомирза Турдимов Гўрўғли эпосидаги ёр образи (Мисқол, Юнус парилар) кўк қизи, она мотиви эса бевосита ой тимсоли билан боғлиқлигини айтади [4]. Ҳар икки олим фикрида кўринадики, эпосдаги аёл образлар – она, ёр мифологик асосда шунчаки қиз ёки аёлни ифода этмай, илоҳий сифатга эга деб қаралган – она, ёр образи илоҳий кучларнинг тимсоли вазифасини ўтаган. Айна шу ўринда бу эпосдаги ёр ва она образларини кампир архетип образи остида бирлаштиришни лозим топдик. Мазкур фикрга келишимизда “кампир” сўзининг шомонлик динидаги “қам” сўзидан ҳосил бўлгани, “пир”

эса “ҳомий” маъносига эга эканлиги ҳақидаги фараз туртки бўлди. Қозок фольклоршунос олимаси Зира Наурузбаева таъбирича, кампир сўзи – аслан кам-шомон етакчи аёл коҳинни ифодалайди – бир сўз билан айтганда, матриархат давридаги кам-шомонлик динининг бош шомонидир. Айни шу асосга таяниб, “Гўрўғли” эпосидаги Ҳилолой (ой тимсоли), парилар (Ер ва кўк қизлари) каби образларнинг илоҳий сифатларга эга деб анлангани, шунингдек, “кампир” – бош коҳин ҳам дунёлар ўртасида алоқачи вазифасини ўтагани, функцияси жиҳатдан бу образлар бир умумий асосга эга, деган қарор бор бизда. Қолаверса, ҳар бир образ архетип даражасига кўтарила олмайди. Ўзбек фольклорида кампир образи архетип даражасига кўтарилганини кўриш мумкин. Бунга мазкур ишнинг олдинги бобида кўрилган “Санги сополтош” эртаги, “Алпомиш” достонидаги Сурхайил кампир, мастон кампирлар мисолдир. Келтирилган барча манбаларда кампирлар ғайритабиий сеҳрли кучга эга образ сифатида тасвирланган. “Кампир” истилоҳли образни архетип образ деб атар эканмиз, бунда сўзни биз ҳозир тушунганимиз каби ёши ўтган кекса аёл деб эмас, балки илоҳий ғайритабиий кучларнинг тимсоли бўлган аёл образи деб қараш мақсадга мувофиқ.

Кўмакчи образлар архетипига кирувчи от, ҳомий эранлар ҳам эпосда муҳим ўринга эга, чунки улар қаҳрамоннинг мақсадга эришиш йўлида фаол таъсир кўрсатади. Ҳомий эранлар эпосда кўпинча чол қиёфасида ифодаланади. Мисол тариқасида, “Алпомиш” достонида учрайдиган Шохимардон пир, Қултой каби образларни олиш мумкин. “Гўрўғли” достонида эса бош ҳомий Ҳизр, шунингдек, Соқибулбул сайис ҳам ҳомий эран образида келади. Улар қаҳрамонга ёрдам ва мадад берувчи, қаҳрамон адашганда тўғри йўл кўрсатувчи образлардир. Архетиплар орасида Ўзлик архетипи энг муҳим аҳамиятга эга ва ўзлик архетипини намоён қиладиган образлар фольклорда ва бадиий асарларда донишманд тимсолида келади. Биз шундан келиб чиқиб ўзбек фольклор асарларида учрайдиган яна бир асосий архетип образ – Донишманд чол архетипи деган хулосага келдик. Ўзбек

фольклоридаги Донишманд чол архетипига хос бўлган энг ёрқин жиҳат – бундай образларнинг бевосита илоҳий қудрат ва қувватга эгалигидир, шу сабабдан улар эпосда ҳомий эран даражасига қўтарилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.
2. Гўрўғлининг туғилиши. Достон / Айтувчи: Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М.Муродов. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. – 328 б.
3. Мелетинский Е.М. О литературных архетипах. – Москва: Российский гуманитарный университет, 1994.
4. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезис ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011.
5. Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007.
6. Юнг К.Г. Архетип и символ. – Москва: Ренессанс, 1991.